

ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЛАБАЛАРНИ ИЛМИЙ-ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТГА ЙЎНАЛТИРИШ

доц. Шахло Ахмедова
Алфраганус университети

Аннотация. Ушбу мақолада олий таълим муассасаларида талабаларнинг илмий-ижодий фаолиятини ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад нималардан иборат эканлиги, илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда қайси жиҳатларга эътибор бериш лозимлиги, амалга оширилаётган илмий тадқиқот ишлари учун қандай шарт-шароитларни яратиш зарурлиги кўрсатиб ўтилган. Олий таълим муассасаси талабаларини илмий тадқиқот ишига йўналтиришнинг зарурлиги, бунда талабалар учрайдиган муаммолар, уларни ҳал қилиш йўллари ва бу жараёнда ўқитувчиларнинг вазифалари ёритиб берилган. Шунингдек, талабаларни илмий тадқиқот мавзусини тўғри танлай олишга, ишнинг асосномасини мустақил тайёрлашга, адабий манбалар билан ишлашга ўргатиш, илмий тадқиқот методлари ва улардан фойдаланишни ўргатиш каби масалалар хусусида сўз юритилган.

Калит сўзлар: илмий тадқиқот, “Устоз-шогирд” анъаналари, муаммолар, муаммоларни ечиш, илмий дунёқарашни шакллантириш, ўқитувчиларнинг вазифалари.

Иқтидорли талабалар - Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва иқтисодий тараққиётини ҳамда унинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашини таъминловчи муҳим омил ва миллат зийнати ҳисобланади.

Иқтидорли талабаларни излаш, аниқлаш ва мақсадли тайёрлашнинг асосий мақсади - Республикаимизнинг илмий ва иждодий салоҳиятини ривожлантирувчи интеллектуал элитани тайёрлаш ва бу борада юксак истеъдод соҳибларига, билимнинг тегишли соҳалари ва фаннинг аниқ йўналишлари бўйича ўз қобилиятларини намоён этиш ва ривожлантириш, ўзларидаги ноёб истеъдодни

рўёбга чиқариш учун имкониятлар яратишдир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармонининг «Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш» деб номланган 4.4-бандида узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш, мактабгача таълим муассасалари, умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, фанларни ўқитишни чуқурлаштириш, олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантиришга катта эътибор қаратилиши таъкидлаб ўтилган [1]. Шунини ҳисобга олиб, олий таълим тизимида тайёрланадиган мутахассисларни жаҳон стандартлари даражасига етказиш, илмий-педагогик кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор бериш, талабаларни илмий тадқиқот ишига йўналтириш профессор-ўқитувчилар учун муҳим вазифа ҳисобланади. Л.А.Аветисова «Ўқувчиларнинг илмий тадқиқот фаолияти – педагогик технология модели» номли мақоласида талабаларнинг илмий тадқиқот ишларининг бажарилиш босқичларини кўрсатиб беради [2].

Олий таълимда илмий тадқиқот иши билан шуғулланмоқчи бўлган талабалар, магистрлар олдида муҳим муаммолар мавжуд. Бу муаммолар:

1. Илмий тадқиқот мавзусини тўғри танлай олмаслик.
2. Илмий тадқиқот методлари ва ундан фойдаланишни билмаслик.
3. Илмий тадқиқот иши асосномасини мустақил тайёрлай билмаслик.
4. Адабий манбалар билан ишлашда қийинчиликларга учраш.
5. Бажарилган тадқиқот иши тақдимотини амалга ошириш кўникмасига эга бўлмаслик.

Талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларига йўналтириш икки йўналишда амалга оширилиши мумкин:

– биринчиси, бевосита дарс жараёнида: семинар, амалий машғулот дарсларида муаммоли дарсларни ташкил этиш, муаммоли вазифаларни қўйиб, уларни ечишга ундаш, талабаларнинг мутахассислиги ёки бирор фан доирасида

ўқув лойиҳа (дарс ишланма, технологик харита, электрон қўлланма)ларини яратишга эришиш;

– иккинчиси, дарснинг мантикий давоми бўлиб, дарсдан ташқари вақтда ўқув-тадқиқот фаолиятини амалга ошириш: мустақил иш, реферат, курс иши, илмий, ўқув-тадқиқот ишларини бажариш, олимпиада ва кўрғаз-маларда ўз чиқишлари ва конференцияларда илмий мақолалари билан иштирок этиш [3].

Талабаларнинг тадқиқот ишини бажаришга киришиши биринчи навбатда назарий, амалий машғулотларда ўқитувчи томонидан берилган топшириқларни кутубхоналардаги илмий адабиётлардан фойдаланиб, мустақил бажара олса ва уни мустақил иш, реферат, курс иши кўринишида тақдим этса, иккинчидан, ўрганилган тизимли билимларни шахсий тадқиқот иши (битирув малакавий иши, турли лойиҳаларда иштирок этиш)да қўллаш орқали амалга оширилишини кузатиш мумкин.

Олий таълим профессор ўқитувчилари талабаларни илмий тадқиқот ишини бажаришга киришишлари учун мавжуд бўлган муаммоларни қуйидагича ҳал этишга ўргатишимиз лозим:

1. Илмий тадқиқот мавзусини тўғри танлай олишга ўргатиш. Бу жуда мураккаб жараён бўлиб, тадқиқот ишининг ривожини ва ижобий яқун топиши мавзуни танлашга боғлиқ бўлади. Мавзу тадқиқот ишининг ўзига хос хусусиятларини акс эттириб, у талаба ва унинг илмий раҳбари ҳамкорлигида танланади. Илмий тадқиқот мавзуси танланганда:

- илмий тадқиқот саҳифаларида мунозара юритиш, ўз шахсий қарашларини баён этиш, илмий изланиш олиб бориш имкониятининг мавжуд бўлишини;
- илмий тадқиқот мавзуси кенг қўламда бўлмаслиги, тадқиқот бажарувчисининг илмий билими, қобилиятларининг етарлигини ҳисобга олиш;
- тадқиқот олиб бориш учун материалларнинг мавжуд бўлиши, баъзи ҳолларда, мавзу қизиқарли, лекин уни бажариш учун материалларнинг етарли эмаслиги кузатилади.

2. Илмий тадқиқот методлари ва ундан фойдаланишни ўргатиш. Тадқиқотларни ўтказиш – далилларни тартибга солиш усуллари, қонунларини

ўрганишдир. Тадқиқот методлари - илмий ишларда мақсадга эришиш йўллари дир. Методларни ўрганиш билан шуғулланадиган фан «Методология» деб аталади.

Бизга маълумки, ҳар бир илмий тадқиқот иши маълум илмий тадқиқот методларидан фойдаланиб олиб борилади. Илмий тадқиқот ишини бажариш жараёнида таҳлил ва синтез, таққослаш, моделлаштириш, кузатиш, тажриба ва суҳбат ўтказиш каби тадқиқот методларидан қандай фойдаланишни ўргатиш зарур. Яхши методикасиз ҳатто тўғри танланган метод ҳам яхши натижа бермайди. Агар методика методни қўллаш усули бўлса, методология методларни ўргатишдир.

3. Илмий тадқиқот ишининг асосномасини мустақил тайёрлашга ўргатиш. Талабаларни танланган мавзу бўйича муаммо йўналишини танлаш, мавзу долзарблигини қабул қилинган қонунлар, қарорлар асосида кўрсатиб бериш, объектни танлаш, предметини белгилашга ўргатиш, ҳар қандай тадқиқот ишининг муваффақияти мақсадини аниқ белгилаб олишга боғлиқлигини тушунтириб етказиш, мақсадни аниқ белгилаб олиш, мақсадга мос вазифалар кетма-кетлигини шакллантириш, мавзунинг илмий янгилиги, амалий аҳамиятини кўрсатиб берувчи асосномани тайёрлашга ўргатиш лозим бўлади.

4. Талабаларни адабий манбалар билан ишлашга ўргатиш. Тадқиқот соҳасига оид адабиётни таҳлил қилиш талабанинг илмий тадқиқот соҳасида бир неча манбалар билан таниш эканлигини кўрсатиб, муаммо ҳолати билан танишишга имкон беради. Илмий тадқиқот ишида кўтарилган гипотеза асосли бўлиши адабий маълумотлар ва мантиқий фикрлар билан мустаҳкамланиши кераклигини талабага етказиш лозим бўлади. Талабани илмий тадқиқот иши бўйича адабиётларни қидириб топиш, топилган адабиётлардан муаммо моҳиятини ўрганиш, муаммони ечиш усулини тизимли баён этиш ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатини мустақил тузишга йўналтириб бориш керак. Бугунги кунда талабалар илмий тадқиқот ишини бажаришда интернет манбалари, электрон нашрлардан фойдаланадилар. Бунда ахборотлар манбаси

жуда катта ҳажмда бўлиб, ундан айнан керагини танлаш, тартибли баён этиш, мустақил хулоса чиқариш, қарор қабул қилиш муҳим ҳисобланади. Баъзан мавзудан четга чиқиб кетиш ҳоллари ҳам кузатилади.

5. Бажарилган илмий тадқиқот ишининг тақдимотини амалга ошириш кўникмасини шакллантириш. Олиб борилган кузатишлар натижаси шуни кўрсатадики, тадқиқотчи талаба томонидан тақдим этиладиган илмий тадқиқот ишлари кўйилган мақсад ва мазмундан келиб чиқиб илмий мақола, тезис, ҳисобот, тадқиқот режаси, оғзаки тақдимот учун матн, тақдимотли маъруза, муаммоли хусусиятга эга реферат, компьютерли презентация, видео, аудио материаллар, турли ўқув лойиҳалари ва ҳоказо шаклида бўлиши мумкин. Бу кўринишдаги тадқиқот ишларининг тақдимотини қилишда талабаларга белгиланган вақтда бажарилган ишни компьютерли слайдлардан фойдаланиб тақдим қилиш, ўз фикр мулоҳазалари, хулосаларини аниқ баён этиш, нутқнинг аниқ ва раво бўлиши, оҳангига эътибор бериш, бериладиган саволларга мантиқий, мулоҳазали жавоблар беришга ўргатиш лозим бўлади. Илмий тадқиқот ишини олиб бориш жараёни мураккаб жараён бўлганлиги сабабли барча талабалар ҳам бу жараёнга бирданига кириб кета олмайдилар. Шунинг учун талабаларни илмий тадқиқот фаолиятига йўналтиришда ўқитувчининг асосий вазифасига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

1. Талабаларда илмий ишга бўлган қизиқишни ошириш, илмий тадқиқот масалаларини мустақил ечишга ундаш, тадқиқотчилик малакаларини шакллантириш.

2. Мустақил ижодий фикрлаш, назарий, амалий билимларни ўрганишни мукамал-лаштириш, мустаҳкамлаш ва ривожлантириб бориш.

3. Бўлажак олий маълумотли мутахассисларнинг илмий тадқиқотчилик маҳоратларини шакллантиришга эришиш.

4. Истеъдодли ва иқтидорли талалабаларнинг ижодий ва илмий салоҳиятидан фойдаланиб долзарб муаммоларни ҳал этиш ва уни барча талабаларга ўрнатқилган сифатида кўрсатиб бориш ва ҳ.к.

Илмий тадқиқот ишининг турли босқичида илмий раҳбар, профессор-ўқитувчининг роли ҳар хил бўлади. Масалан:

Ташхислаш босқичида ўқитувчи илмий тадқиқот олиб боришга мойиллиги бор, билимли, топшириқларни мустақил бажара оладиган талабаларни тўплайди, уларнинг қизиқиш соҳаси, қандай турдаги ишларни бажара олишини аниқлайди, илмий тадқиқот олиб боришга ундайди. Бунда талаба билан ўқитувчи ўртасида муносабатни яқинлаштиришда ўқитувчи устун, фаол бўлиши лозим [4:152-158].

Тадқиқот мавзусини қўйиш босқичида ўқитувчи бир нечта турдаги мавзулар устида ишлашга йўналтиради, адабиётлар, интернет манзиллари билан таништиради. Илмий раҳбар ва тадқиқотчи билан ҳамкорликда мавзу белгилаб олинади, унинг долзарблиги, мақсади, объекти, предмети, вазифалари, илмий янгилиги аниқланади. Бунда ўқитувчи маслаҳатчи ролини ўйнайди, ўқитувчининг ўрни устун, фаол бўлмайди, кўпроқ тадқиқотчи устун бўлишига эришиш керак бўлади.

Илмий тадқиқот ишини бажариш босқичида ўқитувчи маслаҳатчи бўлиб, тадқиқотчи талабага юқори даражада мустақиллик берилиши керак. Талаба илмий тадқиқотчи сифатида мавзу мундарижаси асосида ишни мустақил бажариши, ўқитувчи турли йўналтирувчи, муаммони очишга ёрдам берувчи саволларни бериб туриши талаб этилади. Айнан шу босқичда талаба тадқиқот методларидан фойдаланади ва ўз тадқиқот иши бўйича шахсий фикрга эга бўлиб, мустақил қарорлар қабул қилади, хулоса ва таклифлар беришни ўрганади, ишни яқунлайди.

Ҳимоя қилиш босқичида олиб борилган илмий фаолият таҳлил қилинади. Бу вақтда талаба ва илмий раҳбар, ўқитувчи тенг ҳуқуқли ҳамкорлар ҳисобланади. Ҳимоя сўнгида олиб борилган фаолият баҳоланади.

Талабалар билан илмий тадқиқот фаолиятини олиб бориш ўқитувчига қуйидаги талабларни қўяди:

- талабага нисбатан ижобий муносабатда бўлиш, унга шахс сифатида ҳурмат кўрсатиш;

- талабанинг бошқаларга ўхшамайдиган хусусиятларини эътироф этиб туриш, унга танлаш ҳуқуқи, эркинлигини бериш;

- талабанинг индивидуал, психологик хусусиятларини ҳисобга олиш, уни ўзига эмас, олиб борган фаолиятига баҳо бериш каби-лардир.

Талабаларни илмий фаолиятга қизиқтириш ва тизимли рағбатлантириш учун олий таълим муассасаларида Талабалар илмий жамиятларини ташкил этиш.

Мазкур илмий жамиятлар илмий салоҳиятли иқтидорли талабалардан ташкил топади. Жамиятда талабалар илмий тадқиқотлар билан шуғулланиш, хусусан, илмий маърузалар қилиш, илмий мақолалар ва рисоалар ёзиш, илмий анжуман ва танловларда иштирок этиш, старая лойиҳалари ва бошқа инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш фаолиятлари билан шуғулланишади. Талабаларнинг илмий тадқиқот натижалари илмий журналлар ва тўпламларда нашр этилади. Жамиятнинг илмий ютуқларни қўлга киритган талабалари фахрий ёрликлар, дипломлар, сертификатлар билан ҳамда университет ва ҳомий ташкилотлар томонидан моддий рағбатлантирилади.

“Устоз-шогирд” анъаналарини илмий асосга кўчириш.

- Курс ишлари лойиҳаси, битирув малакавий иши ва магистрлик диссертациялари мавзуларини келажакда докторлик диссертацияси (PhD) даражасигача етиши нуқтаи назаридан узлуксизлик ва узвийлик асосида белгилаш ҳамда расмийлаштириш;

- “Устоз-шогирд” тамойили асосида иқтидорли талабалар, магистрантлар билан ҳаммуаллифликда юқори импакт-факторли халқаро журналларда илмий мақолалар чоп этиш;

- ютуқларга эришган талабаларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш ва ҳоказолардан иборат.

Хулоса қилиб айтганда, фан ва техника тараққиёти ривожлангани сари олинган билимларни янгилаш, чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаб бориш зарур бўлиб, талабаларни илмий тадқиқотга йўналтириш, илмий фаолият билан

шуғулланишини шакллантириб бориш, кейинги авлодни илмий фаолият билан шуғулланишига йўл очиш, рўй берадиган муаммоларни ўз вақтида ва ўз ўрнида аниқлаш, уларни бартараф этишга эътибор қаратиш лозим. Талабаларни илмий тадқиқот ишларига жалб этиш таълимий, тарбиявий хусусиятга эга бўлиб, у талабанинг мақсадга эришишида ўз кучи ва қудратига ишониши, билишга бўлган истак, илмий дунёқарашни шакллантириш, фикрлаш мустақиллиги, ўз ишидан мамнунлик, эстетик эҳтиёжни қондириш ва илмнинг ички гўзаллигини ўрганиб боришга яқиндан ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони.//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.
2. Аветисова Л.А. Научно-исследовательская деятельность учащихся – модель педа-гогической технологии. // Открытый урок.рф/статьи/620136/
3. Рябова Л.Г. Исследовательская деятельность учащихся.// Открытый урок.рф/ статьи/581619
4. Леонтович А.В. Учебно-исследовательская деятельность школьника как модель педагогической технологии. // Журнал «Народное образование», 1999, № 10. -С. 152-158.